



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-ракам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

Бош муҳаррир

ўринбосари:

профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:

профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:

Ф.А.Сафаров

Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:

А.Н.Холиқулов

Корректор:

С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.

Таҳририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика кўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА ИНВЕСТИЦИЯ	
Вехзоджон Усмонович Шермухамедов Тижорат банклари депозит сиёсатининг қийосий таҳлили	149
Хуббим Аскарлович Улашев Иқтисодийнинг келгуси тараққиётида инвестицияларнинг ўрни	153
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Анвар Нематович Холиқулов Хизмат кўрсатиш корхоналарида самарадорликни оширишнинг кўп омилли корреляцион-регрессион таҳлили	158
Зайнаб Баратовна Эшпулатова, Шахзод Шохрухович Усманов Корхоналар даромадларининг молиявий ҳисобот элементи сифатидаги тавсифи	162
Бобур Фарходович Боронов Ёғ-мой саноати корхоналарида пул оқимлари ҳақидаги ҳисоботни такомиллаштириш	166
БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ	
Шавкат Собирович Олтаев Мамлакатимиз ёшларининг иш билан бандлик даражасини ошириш: муаммо ва имкониятлар	171
Шаҳобиддин Зиядуллаевич Ўрозов Марказий Осиё илм-фани ривожига Амир Темур ва Темурийларнинг туган ўрни	175
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Умар Худайбердиев, Севара Абдиназаровна Бабаназарова Мактабгача таълим – таълим ва тарбиянинг асосидир.	180
Тўлқин Кулибаевич Мардиев, Дилноза Акрамовна Искандарова Инглиз ва ўзбек тилларида қурилиш терминларининг умумий семантик жиҳатлари	184
Садулла Шодиевич Уразов Таълим хизматлари кластери – таълим соҳасини ривожлантириш ва бошқариш стратегияси сифатида	188
Ҳилола Нематовна Очилова Таълим хизматларининг ўзига хос хусусиятлари	192
ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР	
Беморлик, фақирлик ва муҳтожлик сабаблари. Доно саволга доно жавоб.	197
ИБРАТЛИ БИТИКЛАР	
Инсоннинг руҳияти ва кечинмалари ҳақида савол-жавоблар.	198

ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА

Умар Худайбердиев – СамИСИ доценти, и.ф.н.

Сеvara Абдиназаровна Бабаназарова – СамИСИ ўқитувчиси

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ – ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ АСОСИДИР

Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот
- ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир.

А. Авлоний

Аннотация: мақолада мамлакатда мактабгача таълим тизимининг ҳолати, кейинги йиллардаги ижобий ўзгаришлар, ёш болаларни мактабгача таълим муассасалари билан қамраб олиш, уларнинг вазифалари ва динамикаси таҳлили ифодаланган.

Калит сўзлар: мактабгача таълим тизими, ёш болалар, болалар боғчалари, қамров даражаси, инсон капитали, учинчи Ренессанс.

Кириш. Мактабгача таълим - мамлакатимиздаги узлуксиз таълим тизимининг бошланғич бўғинидир. Бу таълим муассасаларига болалар то 7 (етти) ёшгача қабул қилинади. Мактабгача таълим муассасаларининг асосий вазифаси беғубор, мурғак қалбли ёш болаларни соғлом ўстириш, умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш, ёшига мос равишда замонавий билим бериш, маънавий юксалтиришдан иборатдир. Кейинги йилларда мактабгача таълимга мамлакат Президенти ва Ҳукумати томонидан катта эътибор берилмоқда, ҳудудларда замонавий талабларга жавоб берадиган яхши жиҳозланган болалар боғчалари қурилмоқда. Бу соҳага хусусий сектор жалб қилиниб, қўшма ёки хусусий, оилавий боғчалар кўпаймоқда. Натижада ёш болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш даражаси кўтарилди. Болалар боғчаларидаги мутахассис педагоглар болаларнинг қобилияти имкониятларини аниқлаб қизиқишларини ўрганиб, оналарга болалар тарбияси бўйича зарур тавсиялар бериши лозим. Шунинг учун ҳам оналар мактабгача таълим муассасалари билан мунтазам алоқада бўлишлари керак.

Мактабгача таълим муассасасидаги шароитлар (мактабгача ёшдаги боланинг ўзига хос қийматига йўналтирилган таълим муҳити; жамоада ижобий микроклим; юқори сифатли меҳнатни рағбатлантириш тизими, мактабгача таълим муассасаси фаолиятини ижодий йўналтириш ва унинг раҳбари; оиланинг таълим эҳтиёжлари ва сўровларига йўналтириш; ўқув жараёнининг ҳолатини мунтазам равишда жамоавий муҳокама қилиш ва ваколатли бошқарув қарорларини қабул қилиш ва бошқалар) улар кўрсатаётган таълим хизматлари сифатига ўз таъсирини кўрсатади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан М.Б.Кубаева, Ш.А.Буранова, А.В.Шин, Г.А.Оманова ва бошқалар мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий ҳамда илмий-методик масалалари бўйича илмий-амалий тадқиқотлар олиб борган. Мактабгача таълим муассасалари сони ва улардаги жойлар сонининг кўпайиб, болаларни қамраб олиш даражасининг ошишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларга мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу Қарор асосида мактабгача таълим тизимини ривожлантириш Дастури қабул қилиниб, унга асосан давлат, давлат-шерикчилик, хусусий, оилавий билан таъминлаш белгиланган эди.

„Finance Inquirer“ нашри Марказий Осиё тадқиқот гуруҳи халқаро изланишлари натижалари ва ЮНИСЕФ, жаҳон банки ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти маълумотлари асосида, болаларни мактабгача таълим муассасаларига жалб қилиш бўйича энг яхши кўрсаткичга эришган дунёдаги давлатлар рейтингида Ўзбекистон

биринчи ўринда қайд этилган. Рейтингда 2018 йилдан 2020 йилларгача бўлган даврда мактабгача таълимнинг ривожланиши инобатга олинган бўлиб, бу даврда Ўзбекистон 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олишда юқори натижаларга эришган.

2022 йил 15 ноябрда Тошкентда ЮНЕСКОнинг кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим бериш бўйича Бутунжаҳон конференцияси (Глобал форум) бўлиб, унда 150 га яқин давлатлардан вазирлар, мутахассислари, халқаро ташкилотларнинг расмий вакиллари қатнашиб, кўплаб мамлакатларда 200 миллионга яқин болалар таълим билан қамраб олинмаганлиги сабабли бошланғич билим олиш имкониятлари чекланганлиги қайд этилиб, Ўзбекистоннинг бу борадаги ишлари юқори баҳоланди.

Конференциянинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев қатнашиб, ўз нуқтада юртимизда Учтинчи Ренессансни рўёбга чиқариш стратегик вазифа сифатида қўйилганини, таълим хизматларини яхшилашда, мактабгача таълим, мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим ҳамда илмий-маданий муассасалар бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси деб таъкидлади.

Ёш болаларни мактабгача таълим муассасалари билан қамраб олиш, мамлакатимизда бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади ва 2025 йилга унинг даражасини 80 фоизга етказиш режалаштирилган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотни олиб боришда макон ва замон, миқдор ва сифат, қиёсий таҳлил ҳамда истиқболли башоратлаш каби усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асоси бу инсон капитали ҳисобланади. Ҳозирги замонга мос инновацион инсон капитали яратиш учун мамлакатнинг ҳар бир оиласи ва унда туғилган фарзандларни кичик ёшидан бошлаб билим олишга йўналтириш, қалбида илмга ҳавас, меҳнатга муҳаббат уйғотиш, уларни энг янги технологиялар, жаҳон стандартлари даражасидаги билимларни ўргатиш лозим. Эрта ёшдан инсон капиталини турли йўللار билан ўлчаб бориш яхши самара беради. Болани гўдакликдан тўғри овқатлантириш, соғлом ривожланишини рағбатлантириш кейинчалик унинг жисмоний ва руҳий фаровонлигини яхшилайдди. Шунинг учун бу потенциални ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда бошланғич таълим-тарбия мактабгача таълим муассасаларида берилди. Шунинг учун ҳам уларда бериладиган таълим-тарбия сифати кейинги босқичларга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда мактабгача таълим муассасалари сони ортиб бормоқда, бунга эса бу муассасаларга талаб ортиб бораётганлигидан далолат беради. (1-жадвал)

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим муассасаларининг 2000-2021 йиллардаги кўрсаткичлари¹

№	Йиллар Кўрсаткичлар	2000	2005	2010	2015	2020	2021	2021 йил 2000 йилга нисбатан, %да
		1	Мактабгача таълим ташкилотлари сони – жами, бирлик	6704	6495	5375	5126	
1.1	шаҳар жойларида	2816	2612	3036	3065	4151	4129	146,6
1.2	қишлоқ жойларида	3888	3883	2339	2061	3602	3739	96,2
2	Мактабгача таълим ташкилотларида жойлар сони, минг бирлик	844,1	792,3	686,0	713,1	1155,7	1260,3	149,3

¹ <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2>

2.1	шаҳар жойларида	456,5	415,7	446,8	486,1	674,1	714,0	156,4
2.2	қишлоқ жойларида	387,6	376,6	239,2	227,0	481,6	546,3	140,9
3	Мақтабгача таълим ташкилотларида болалар сони, минг киши	624,6	565,6	522,9	634,1	1196,4	1321,4	211,6
3.1	шаҳар жойларида	373,4	317,6	358,0	457,5	685,3	735,6	197,0
3.2	қишлоқ жойларида	251,2	248,0	164,9	176,6	511,1	585,8	233,2
4	Педагог ходимлар сони, минг киши	64,1	61,0	56,5	58,3	106,8	117,0	182,5

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, кейинги йилларда - хусусан 2000 йилга нисбатан 2021 йилда мактабгача таълим муассасалар сони - 117,4 фоизга, улардаги жойлар сони эса 149,3 фоизга кўпайган. (Лекин 2015 йилга келиб МТМ сони ва улардаги жойлар сонининг камайганини кўриш мумкин.) Мактабгача таълим билан болаларни қамраб олиш 2 баравардан кўпроқга ошган. Шу билан бир вақтда ёшларга замонавий руҳда таълим ва тарбия берувчи педагоглар сони ҳам 2 баравардан кўпроқга кўпайган. Лекин шуни ҳам таъкидлаш керакки, мавжуд (2021 йил) мактабгача муассасалар сонининг 53,0 фоизи, улардаги жойлар сонининг 57,0 фоизи шаҳарларга жойлашган. Қишлоқ аҳолисининг ҳудудлар бўйича тарқоқ жойлашганини ҳисобга олсак, қишлоқ жойларда мактабгача таълим муассасалар сонини ва жойини кўпайтириш зарурлиги аниқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.05.2019 йилдаги ПҚ-4312-сонли “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш КОНЦЕПЦИЯСИни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорида болаларни сифатли мактабгача таълим билан қамраб олиш кўламини ошириш, ундан тенг фойдаланиши имкониятларини таъминлаш, соҳани ривожлантиришга алоҳида тўхталиб ўтилган. Бу кўрсаткич ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда (2-жадвал).

2-жадвал

1-6 ёшли болаларни мактабгача таълим ташкилоти билан қамраб олиниши (фоизда)¹

№	Йиллар Худудлар	Йиллар									2021 йил 2008 йилга нисбатан
		2008	2010	2012	2014	2016	2018	2020	2021		
1.	Ўзбекистон Республикаси	17,0	15,4	14,2	15,3	17,3	21,0	27,3	29,4	172,9	
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	16,8	15,0	13,8	15,8	17,1	25,2	40,3	40,3	239,9	
3.	Андижон	14,7	13,2	12,0	12,7	15,8	20,3	31,2	30,9	210,2	
4.	Бухоро	15,2	13,6	12,6	14,4	16,2	23,4	30,7	34,9	229,6	
5.	Жиззах	18,4	16,9	12,5	11,2	14,6	18,7	27,8	30,4	165,2	
6.	Қашқадарё	9,3	8,3	7,2	7,2	12,0	10,7	16,1	17,5	188,2	
7.	Навоий	21,5	20,1	17,4	17,5	19,6	23,0	30,1	35,6	165,6	
8.	Наманган	18,5	15,6	14,4	14,1	16,4	21,2	32,3	31,2	168,6	
9.	Самарқанд	11,6	11,2	11,0	12,6	15,2	15,9	25,5	26,0	224,1	
10.	Сурхондарё	10,0	8,6	6,6	7,5	8,4	10,0	13,9	17,8	178,0	
11.	Сирдарё	17,7	15,3	13,4	14,5	18,9	24,5	26,6	30,2	170,6	
12.	Тошкент	18,7	17,3	16,7	18,2	19,5	22,3	23,0	27,2	145,5	
13.	Фарғона	19,5	17,3	16,2	17,0	17,9	25,2	30,1	33,8	173,3	
14.	Хоразм	12,2	11,3	9,1	9,8	10,0	20,5	25,4	32,2	263,9	
15.	Тошкент ш.	46,2	43,3	43,6	49,8	52,3	49,9	42,4	42,3	91,6	

¹ <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2>

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мактабгача таълим муассасалари болаларни қамраб олиш 13 йил давомида ўртача 19,6% ни ташкил этамоқда. Бу кўрсаткич охириги 3 йилда салмоқли ошганини кўриш мумкин, 2025 йилда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини 80 фоизга етказиш учун барча зарур ишларни амалга ошириш чора-тадбирлари кўриломоқда. Республика бўйича 2021 йилда 2008 йилга нисбатан 172,9%га ошган. Худудлар бўйича таққослайдиган бўлсак, 2021 йилда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасининг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳри 42,3%, Қорақалпоғистон Республикаси 40,3%ни ташкил қилса, энг паст кўрсаткич Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари 17,8% ва 17,5 %ни ташкил қилади.

Таклиф ва хулосалар. Мактабгача таълим муассасалари сони ва уларда тарбияланилаётган болалар сонининг ортиши, уларни кейинги таълим жараёни сифатига ўз таъсирини кўрсатади. Шу сабабли мамлакатимиз томонидан бу соҳада кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Шавкат Мирзиёевнинг “Кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим бериш бўйича иккинчи Бутунжаҳон конференция”си очилиш маросимидаги нутқида, - “Биз мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устуни, деб ҳисоблаймиз”¹, деб таъкидлаб ўтди.

Мактабгача таълим муассасаси - таълим билан биргаликда соғлиқни сақлаш муассасаси ҳам ҳисобланиши керак ва уларнинг асосий вазифалари сифатида куйидагиларни киритиш мумкин:

- Болалар ҳаётини муҳофаза қилиш ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш;
- Бола шахсининг асосларини шакллантириш, ривожлантириш боланинг когнитив (когнитив сўзи инглизча (лотин) “cognize” сўздан олинган бўлиб, у билмоқ, англамоқ, тушунмоқ ва фикрламоқ ёки “cognition”– билиш, тушуниш каби маъноларни беради²) кизиқишлари ўстириш, интеллектуал, шахсий ва жисмоний ривожланишини таъминлаш;
- Бола ривожланишидаги камчиликларни аниқлаш ва тузатиш;
- Болаларни миллий маданият ва умуминсоний кадриятлар билан таништириш;
- Болаларни мактабга тайёрлаш кабилар.

Амалга оширилаётган ҳар бир тадбирларимиз келажак учун пойдевор ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Babanazarova Sevara and Sharofiddinov Jakhongir (2022) “Study of Population Statistics (On The Example of Population Statistics of Uzbekistan)”, Indonesian Journal of Innovation Studies, 18. doi: 10.21070/ijins.v18i.663.
2. https://www.unicef.org/uzbekistan/media/3636/file/ECD_Policy%20Review_rus.pdf
3. <https://beruniyalimov.uz/archives/511>
4. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2>
5. <https://president.uz/uz/lists/view/5696>

<p style="text-align: center;">У.Худайбердиев, С.Бабаназарова</p> <p style="text-align: center;">Дошкольное образование – основа обучения и воспитания</p> <p>Аннотация. В статье описывается состояние системы дошкольного образования в стране, положительные изменения за последние годы, охват детей раннего возраста дошкольными образовательными учреждениями, анализ их задач и динамики.</p> <p>Ключевые слова: система дошкольного образования, дети раннего возраста, детские сады, уровень охвата, человеческий капитал, Третий Ренессанс.</p>	<p style="text-align: center;">U. Khudayberdiev, S. Babanazarova</p> <p style="text-align: center;">Preschool education is the basis of training and education</p> <p>Abstract. The article describes the state of the system of preschool education in our country, positive changes in recent years, the coverage of young children by preschool educational institutions, an analysis of their tasks and dynamics.</p> <p>Keywords: preschool education system, young children, kindergartens, enrollment rate, human capital, Third Renaissance.</p>
---	--

¹ <https://president.uz/uz/lists/view/5696>

² <https://beruniyalimov.uz/archives/511>

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

9.03.2023 йилда теришга берилди. 22.03.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0016 А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023